

НЕФТ МАХСУЛОТЛАРИ СОТИШ ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА № 2/02

“ 2 ” 02 2022 йил

Ўз низоми асосида иш кўрувчи « Ниссон Нефт газ сервис » маъсуляти чекланган жамияти бундан буён матнда «Сотувчи» номидан Корхона раиси Ҳажжаров Р. бир томондан, иккинчи томондан Низом асосида иш курувчи «**Шуртан газ кимё мажмуаси**» МЧЖ бош директор Ш.Асланов Ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар:

**1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ**

1. «Сотувчи» «Харидор» га нефт махсулотларини, яъни автобензин ва дизель ёқилғисини

Нефт махсулотлари турлари	Ўлчов бирлиги	Микдори	1 л.учун нарх	Етказиб бериш суммаси	ҚҚС 15%	Умумий сумма ҚҚС билан
Дизел ёқилғиси	литр					
Автобензин	литр					
Суюлтирилган Газ	литр					
Сиқилган Газ	литр	<u>40000</u>	<u>2500</u>			<u>100000000</u>

1.2 «Харидор» махсулот учун туловни ва махсулотни қабул қилиб олишни томонларнинг ўзаро келишувига асосан белгиланган муддатда ва ҳажмда амалга оширишни ўз зиммасига олади.

Шартнома умумий суммаси 100000000 (юз миллион) сўмни ташкил қилади. Шартнома суммаси ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқарилаётган нефт махсулотларининг нархлари, нефт махсулотларини ташиш билан боғлиқ темир йул харажатлари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва молия вазирлиги қарорига асосан ўзгартирилаётганда ёки нефт махсулотлари таъминоти корхоналарнинг устама нархлари ўзгарганда ёхуд нархлар бошқа объектни сабабларга кўра ўзгарганда шартноманинг умумий қиймати ўзгаради.

**2. МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ**

2.1 Нефт махсулотлари «Харидор» нинг ўз транспортида махсус автотранспортда (транзит билан) белгиланган тартибда етказиб берилади.

2.2 «Харидор» нефт махсулотларини шу тасарруфида транспорт воситаси билан олиб кетишда нефт махсулотларини ташиш учун қўйилган барча талабларга риоя қилишини ўз зиммасига олади.

2.3 Корхона омборига махсулот қўйиш учун олиб автомобиль цистерналари 1580-84 давлат стандарти талабларига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар махсулот қўйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларининг бўш кетиши учун жавобгарлик «Харидор» зиммасига, махсулот автотранспортда ташиладиган бўлса транспорт ташкилоти зиммасига тушади.

**3. ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ**

3.1 Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб –китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб –китоблар тўлов топшириқномаси асосида амалга оширилади.

3.2 «Харидор» олаётган нефт махсулотлари, яъни автобензин ва дизель ёқилғиси ҳақини 100% олдиндан тўлов шаклида, тўлов топшириқномаси билан «Сотувчи» нинг ҳисоб рақамига ўтказиб бериши керак.

3.3 «Сотувчи» нефт махсулотларини «Харидор» га нефт махсулотини юклаш пайтидаги улгуржи нархда сотади, бунда корхона устама нархи ва темир йул харажатлари ҳисобга олинади.

3.4 «Сотувчи» ҳисоб рақамига пул маблаг и тушган кундан бошлаб 30 кун мобайнида «Харидор» га нефт махсулотларини етказиб беради.

3.5 Ҳисоб китоб ҳақиқий олинган махсулот микдорига асосан амалга оширилади.


**4. МАХСУЛОТ СИФАТИ**

4.1 «Харидор» нефт махсулотларини олаётган вақтида жойида махсулотнинг сифатини ва микдорини текшириб олади. Уз транспортда олиб чиқиб кетгандан сунг «Сотувчи» сифат ва микдори учун жавоб бермайди.

4.2 Етказиб берилаётган махсулот сифати Давлат стандарти, техник шартлар талабига-мос келиши ҳамда жунатилаётган нефт махсулоти учун берилаётган сифат гувоҳномасида акс эттирилиши лозим.

4.3 Нефт махсулотларини олган «Харидор» уларнинг сифатини, шунингдек, сифат гувоҳномаси (паспорт) ни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4 Марказлаштирилган автотранспортда ташишда эса тартиб ва йуриқномаларига мувофиқ иш юритилади.



## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1 «Сотувчи» ШАРТНОМА да курсатилган махсулотлар уз вақтида етказиб берилмаса ёки белгиланган вақтда юборилмаса «Сотувчи» берилмаган махсулот суммасидан 2% жарима тулайди, лекин махсулот суммасининг 50% дан ошмаслиги шарт.

5.2 «Харидор» ШАРТНОМА имзолангандан сунг 10 кун муддат ичида махсулот суммаси тулик туланмаса утказиб юборилган хар бир кун учун 2% жарима тулайди, лекин утказилмаган сумманинг 50% дан ошмаслиги шарт.

## 6. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

6.1 Агар шартнома тузилгандан сунг томонлар уз мажбуриятларини баъзи холатлар: сув тошқини, ёнгин, ер кимираши ва бошқа табиий офатлар сабабли бажара олмаса хеч кайси томон тула ёки кisman бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар хтсобланмайди.

## 7. ЖАМИЯТНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ МОДДАСИ

7.1 Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш доирасида томонлар, бошқа нарсалар қатори, амалдаги коррупцияга қарши қонунчилик талабларига риоя етилишини таъминлайдилар ва ўзлари, шу жумладан ходимлар, филиаллар, бенефициарлар ва бизнес шериклар, воситачилар, пудратчилар ёки Шартномани бажаришда иштирок етадиган агентлар ҳаракат қилмаслигини таъминлайдилар (давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ходимининг пора олиш, тижорат пора олиш, пора бериш ёки пора беришда, пора беришда, пора олишда қатнашганлиги каби ҳаракатларни рад етиш), амалдаги қонунчиликда ва жинойтчиликдан олинган даромадларни легаллаштириш (легаллаштириш) ва терроризмни молиялаштиришнинг халқаро ҳужжатларида назарда тутилган коррупцияга ва ушбу ҳуқуқбузарликка қарши курашиш мақсадидаги бошқа Шартномалар.

7.2. Томонлар тўғридан-тўғри ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали таклифлар, ваъдалар бериш, товламачилик, сўровлар, пул, бошқа қимматбаҳо буйумлар, мол-мулк, мулк ҳуқуқи ёки бошқа моддий ёки моддий бўлмаган фойдаларни олиш учун розилик беришдан воз кечадилар, асоссиз устунликка эришиш ёки бошқа ноқонуний мақсадларга еришиш, шу жумладан Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган мақсадларда уларга таъсир ўтказувчи ҳар қандай шахслар.

7.3. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш чораларини кўришни кафолатлайдилар. Томонлар бузилишга оид гумонларнинг пайдо бўлиши ёки Шартнома доирасида улар томонидан жалб қилинган Томонлар, ходимлар, фойда олувчилар, аффилиланган шахслар ёки бошқа шахслар томонидан бузилиш еҳтимоли борлиги тўғрисида бузилиш еҳтимоли тўғрисида (шу жумладан корпоратив электрон почтадан фойдаланган ҳолда) бир-бирларини ёзма равишда очиқ ва дарҳол хабардор қилиш мажбуриятини оладилар.

Шунингдек, агар Томонлардан бири асосланган ҳолда ёки шунҳа остидаги бошқа Томон, унинг ходимлари, бенефициарлари, шериклари ёки Шартномани бажаришда иштирок етадиган бошқа шахслар томонидан амалдаги қонунларнинг ва ёки ушбу Шартноманинг шубҳалари, коррупцияга қарши қоидалари бузилган бўлса, ушбу Томон унга ёзма равишда сўров йуборишга ҳақлидир. талабнома келиб тушган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни ичида бузилиш фактини рад қилувчи ёки тасдиқловчи изоҳлар ва маълумотлар ҳужжатларни тақдим етиш талаби билан мурожаат етиш ҳуқуқига ега.

7.4. Томонлар, агар Томонлардан бири ушбу боб талабларини бажармаган бўлса, шунингдек бошқа Томон бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тўғрисида тасдиқ олмаган бўлса ва Томон коррупция хавфини камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширган бўлса, бошқа Томон ҳуқуқига ега. ушбу Битимни бир томонлама бекор қилиш, шунингдек унинг бажарилишини тўхтатиб туриш ҳуқуқига ега.

7.5. Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича Шартномани бир томонлама бекор қилишни талаб қилган Томон томонидан йетказилган зарарни қоплаш ушбу Шартноманинг тегишли моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади, шу билан бирга ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган Томон Шартномани белгиланган бир томонлама бекор қилиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли емас.

7.6. Агар келишув бўйича Томон Компания ходимларининг хатти-ҳаракатларига, ушбу Шартномага ва ёки амалдаги қонунчиликка, шу жумладан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир етишга мажбурлаш фактларига дуч келса, Томон бу ҳақда коррупцияга қарши қоидаларга зид бўлган қуйидаги алоқа каналларидан бири томонидан хабар бериши шарт:

- + 998 (71) 233-28-88 рақамига "Ишонч телефониға" оғзаки мурожаат қилиш;

## 8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ВА ШАРТНОМАЛАРНИ БЕКОР КИЛИШ ТАРТИБИ

8.1 Мазкур шартнома киритилган хар кандай узгартириш ва кушимчалар ёзма равишда булиб, хар иккала томон имзолагандан кейин хакикий хисобланади.


8.2 Мазкур шартнома бажарилишида юзага келадиган хар кандай бахс ва келишмовчиликлар иккала томоннинг келишуви оркали хал қилинади. Иккала томон мустақил хал қила олмаган баъзи масалалар белгиланган тартибда Иқтисодий суди оркали хал этилади.

8.3 Мазкур шартнома икки нусхада тузилади ва хар бири тенг ҳуқуқий кучга эга.

8.4 Шартнома имзоланган кундан бошлаб 31.12.2022 йилгача амал қилади.

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ

<b>«СОТУВЧИ»</b> <b>«Нишон Нефт Газ Сервис» МЧЖ</b> Нишон тумани Самарқанд МФЙ Х/р:20208000400408771001 АКБ «INFINBANK» Карши .ш МФО 01135 ИНН:303086856 Тел:99.555-0208	<b>«ХАРИДОР»</b> <b>«Шуртангаз кимё мажмуаси» МЧЖ</b> Юридический адрес: Каш.вил.Гузор т-ни ИНН 203195074 р/с 20210000104039001001 банк «Миллий банк»Карши филиали МФО 00150 Бош директор:
--	---



ЮРИДИЧЕС.ӨТД.  
ООО "ШГХК"